



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 11 апрель, № 71 (9242)

Шанба Сайтига Утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

БУХОРОДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҲУДУДНИНГ ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ЯНАДА БОЙИТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 апрель кuni Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.



Давлатимиз раҳбари Бухоро шаҳрига ташрифи давомида дастлаб Бухоро вилоятининг янги маъмурий марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Мажмуа Қашқадарё вилояти Кўкдала туманида синовдан ўтган бошқарув органларини интеграциялаш тажрибасининг давомидир. У ерда 38 та давлат идораси бир жойда жамланган, аҳоли учун катта қулайлик яратилган. Авваллари турли юмуш билан олис масофаларни босиб, бошқа туман идораларига қатнаган фуқаролар барча хизматларни ўзига яқин жойда олиш имкониятига эга бўлди.

Президентимиз ўтган йили Кўкдалага ташрифи чоғида бундай ёндашув барча туманлар учун намуна эканини таъкидлаган эди. Ўтган даврда бошқа ҳудудларда ҳам ушбу таж-

риба асосида бунёдкорлик ишлари бошланган.

Хусусан, Бухородаги маъмурий марказ 14 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, биринчи босқичда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, вилоят прокуратура ҳамда ички ишлар бошқармалари каби давлат идоралари бир ҳудудда жамланган. Бу, энг аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро мувофиқлашувини яхшилаш, муносабатлар билан ишлашни тезлаштириш ва давлат хизматлари сифатини оширишга хизмат қилади.

Мажмуа фақат маъмурий бинолардан иборат эмас. Бу ерда фуқароларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун хиёбонлар, фавворалар ва яшил чоғида бундай ёндашув барча туманлар учун намуна эканини таъкидлаган эди. Ўтган даврда бошқа ҳудудларда ҳам ушбу таж-

ишлари билан танишди.

Одамларга қулайлик яратиш, фуқаролар турли масалалар юзасидан ҳар хил манзилларга бориб юрмасдан, зарур хизматларни бир ҳудуднинг ўзида олишни таъминлаш мақсадида давлат идораларини ягона маъмурий марказларга бирлаштириш ишларини изчил давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбарига ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига янада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар тақдирот қилинди.

Жумладан, банклар томонидан сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда ҳудуд ва маҳаллалар кесимида таҳлил ўтказилиб, Бухоро тумани мисолида “ўсиш ҳаққалари” аниқланган ҳақида ахборот берилди. Бу таҳлиллар ер,

сув, меҳнат ресурслари, бозор талаби, инфратузилма ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ўзаро боғлиқ ҳолда баҳолаш имконини берди. Натияжада Бухоро туманида агробизнес, туризм, саноат ва йўл бўйи хизматлари энг истиқболли йўналишлар сифатида белгиланган.

Хусусан, 15 минг гектар ерни ўзлаштириш, 500 гектар янги узумзорлар барпо этиш, экотуризмни кенгайтириш, шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш ва озиқ-овқат тармоқларида янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Таҳлиллар шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш ва озиқ-овқат тармоқларида янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Таҳлиллар шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш ва озиқ-овқат тармоқларида янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Таҳлиллар шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш ва озиқ-овқат тармоқларида янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, тумандаги 36 та маҳаллани 6 та

драйвер йўналиши — узумчилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, боғдорчилик, туризм ва сервисга ихтисослаштириш мумкинлиги қайд этилди. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида маҳаллалар учун ресурс базасини шакллантириш, бизнес-режаларни автоматик тайёрлаш, маблағлар ҳаракати ва натижаларни реал вақт режимида назорат қилиш бўйича сунъий интеллект асосидаги ечимлар ишлаб чиқилмоқда.

Президентимиз сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиб, ҳар бир ҳудуднинг салоҳиятини очиш, лойиҳаларни натижага қаратишга ҳолда шакллантириш ва аҳоли бандлиги ҳамда даромадини оширишга хизмат қиладиган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Бухоронинг тарихий қисмига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари шаҳар аҳолиси ва меҳмонларини самимий қутлади.

Бухоронинг бой маданий меросини, тарихий қиёфасини асраш ва уни янада обод этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухорога сафари чоғида шаҳарнинг янги аэропортини барпо этиш лойиҳаси билан танишди.

Мамакатимизда транспорт инфратузилмаси изчил ривожлантирилмоқда. Янги йўл ва кўприклар қурилиб, йўловчиларга қулайликлар оширилмоқда. Қайд этиш керакки, давлатимиз раҳбари 2024 йилда Бухоро вилоятига ташрифи давомида ҳудуднинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида Бухоро-

нинг янги халқаро аэропортини барпо этиш бўйича муҳим топшириқ берган эди.

Ушбу транспорт иншооти ҳамда унга туташ инфратузилмани барпо этиш учун шаҳар ташқарисидан жами 370 гектар ер майдони ажратилган. Лойиҳа доирасида аэропортга олиб борувчи автомобиль йўли ҳам қурилмоқда. Унинг умумий узунлиги 23,8 километрни ташкил этиб, шундан 2,7 километри мутлақо янги йўл, 21,1 километри эса реконструкция қилинади. Шунингдек, йўл бўйида 2 та йўлўтказгич, 9 та ер ости пидедалар ўтиш жойи ва 8 та кўприк барпо этилиши назарда тутилган.

Лойиҳага кўра, янги аэропортда узунлиги 3,3 километр бўлган, барча турдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш имконига эга учиш-қўниш йўлаги, шунингдек, соатига 1200 нафар йўловчига юқори даражада хизмат кўрсатиш қувватига эга аэровокзал мажмуаси қурилади.

— Биз Бухоро вилояти аҳолиси, шунингдек, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун замонавий ва қулай хизмат кўрсатадиган аэропорт барпо этишни мақсад қилганмиз. Шундай экан, ушбу аэропорт жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ мос бўлиши шарт, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбарига Бухоро вилоятининг иқтисодий, инвестициявий ва туризм салоҳиятини оширишга қаратилган бошқа қурилиш лойиҳалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бухорога ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АБВАЛБЕКОВ, Зариф КОМИЛОВ, ҲАА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 11 апрель кuni амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф доирасида Бухорода олий даражадаги муносабатлар бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Сиёсий мулоқотни, парламентлараро, ҳукуматлараро ва ҳудудлараро алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, етакчилар товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш, транспорт, энергетика, сув ва экология соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилади.

Халқаро ва минтақавий кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Биргаликда тарихий обидаларни зиёрат қилиш, саноат корхоналари фаолияти ва маҳсулотлар кўрғазмаси билан танишиш режалаштирилган.

ҲАА

Ўзбекистон ва Қозоғистон:

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА УМУМИЙ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН ИТТИФОҚЧИЛИК

11 апрель кuni Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги босқичи мисли кўрилмаган суръат ва ҳар томонлама ривожланаётган стратегик шериклик даражасига кўтарилгани билан тасвирланади. Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг шу йил 11 апрель кuni олий даражадаги норасмий саммит форматида Ўзбекистонга амалий ташрифи икки томонлама алоқалар тақвимидаги муҳим воқеа бўлади.

Ушбу ташриф эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро рақобат минтақавий ва глобал кун тартиби шароитида ҳамкорликнинг янги уфқларини белгилашга қаратилган. Икки давлатни яқинлаштириш учун нафақат географик яқинлик, балки хавфсизлик ва барқарор ривожланиш масалаларига ёндашувларнинг умумийлиги ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса Марказий Осиёнинг икки йирик давлати иттифоқини бутун минтақадagi барқарорликнинг асосий омилига айлантиради.

Замонавий дипломатик муносабатларга 1992 йил 23 ноябрда асос солинган бўлиб, ўтган йиллар давомида томонлар 304 ҳужжатдан иборат салмоқли шартномавий-ҳуқуқий базани шакллантирган.



НАТИЖАЛАРИМИЗ — САЛМОҚЛИ, МАРРАМИЗ — ЮКСАК

Жорий йилнинг биринчи чораги “Адолат” СДП фракцияси учун нафақат ҳисобот, балки халқимиз манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва адолат меъзоларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим давр бўлди.

Таҳлил

Албатта, бу борада Президентимиз раҳбарлигида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар — “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, “Маҳаллани қўллаб-қувватлаш ва жамиятни юксалтириш йили” давлат дастурида белгиланган устувор мақсадлар, айниқса, маҳаллабй ишлаш тизими ҳамда ижтимоий адолатни қўйи бўғиндан бошлаб мустаҳкамлаш талаби “Адолат” СДП фракцияси олдиға қатор муҳим вазифаларни қўйди. Зеро, биз учун ҳар бир рақам ортида инсон тақдирини ва жамият манфаатини туради.

Ўтган даврда фракцияимиз мажлисларида жами 99 та муҳим масалани муҳокама этдик. Шундан 56 таси бевосита қонун ижодкорлигига йўналтирилган бўлиб, уларнинг ҳар бирини халқимиз ҳаётини яхшилашга камар-баста бўлувчи ҳуқуқий механизм сифатида такомиллаштиришга интилдик. Зотан, ҳар бир қабул қилинаётган қонун нормасида адолат тамойили акс этсин, ҳар бир ташаббус маҳалла ва хонадонларгача кириб бориб, инсон қадрини улуғлашга йўл очсин. Айтилиб, улар орасида биз учун энг муҳим ташаббуслардан бири — маҳаллий Кенгашларнинг нуфузини оширишга оид қонунчилик нормаси бўлди. Бугун Кенгашларда кўрилаётган масалалар қўламини тобора кенгаймоқда. Шу боис фракцияимиз “Кенгаш раёсати” ва “Кенгаш соати” каби янги институтларни жорий этиш таклифини илгари сурди. Бу ташаббус орқали депутатларимиз мутавадди раҳбарлардан энг долзарб муаммолар бўйича бевосита жавоб олиш имконига эга бўлади.



Учрашув

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ФАОЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизга ташриф буюрган Қозоғистон Республикаси Парламент Сенати Раиси Маулен Ашимбаев билан учрашди.

Сўхбат чоғида парламентлараро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга доир кенг қўламли масалалар, шунингдек, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги икки томонлама алоқаларнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилгани таъкидланди.

Муштарак тарихий идишлар, маънавий қадриятлар ва яхши қўшничилик анъаналарига асосланган маданий-гуманитар ҳамкорлик изчил давом этмоқда. Шу маънода, Ўзбек — қозоқ илмий-иждоий зиёлиларининг иккинчи форуми ўтказилиши икки мамлакатнинг илм-фан намоёндалари ва ижодкорларнинг мулоқоти учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.



Анжуман

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ БИРДАМЛИК

Етти иккимда “Рўйи замин сайқали” деб ном олган Самарқанд илм-маърифат маркази ва маданият, маънавиятнинг бешиги бўлган. Янги Ўзбекистонда янада файзу тароват касб этган азим ва боқий бу шаҳарда кuni кеча бир қатор муҳим тадбирлар бўлиб ўтди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қозоғистон Республикаси Парламент Сенати ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича комиссиянинг 5-йигилиши ўтказилди.

Унда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ҳамда ривожланиш истиқболлари, шунингдек, стратегик шерикликни чуқурлаштиришда парламентлараро алоқаларнинг аҳамияти катта эканини таъкидлади. Шунингдек, икки давлат ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари бугунги кунда аниқ амалий натижалар билан бойиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўз навбатида, Қозоғистон Парламент Сенати Раиси Маулен Ашимбаев иккала давлат парламентлари ўртасидаги бу ҳамкорлик ва мустаҳкам алоқаларга давлатлар раҳбарлари Қосим-Жомарт Тоқаев ва Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси замин ҳозирлаганини, бу эса икки томонлама ҳамкорликка юқори суръат бағишлаётганини, мазкур жараёнда парламентлараро муносабатлар алоҳида ўрин тутганини таъкидлади.

Йигилиш доирасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш, Орол бўйи экотизимини муҳофаза қилиш, шунингдек, илм-фан ва экология



Ўзбекистон ва Қозоғистон: Ўзаро ишонч ва умумий манфаатларга асосланган иттифоқчилик

Бу рўйхатда 2021 йилдаги Декларация ва 2022 йилдаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, шунингдек, Давлат chegarасини демаркация қилиш тўғрисидаги тарихий шартнома алоҳида ўрин тутди. Олий даражадаги икки томонлама сиёсий алоқаларнинг жадаллиги давлат таърифларининг мунтазамлиги билан яққол тасдиқланади: 2017 йилдан бошлаб мамлакат етакчилари ҳар йили Остона ва Тошкентда кенг кўламли учрашувлар ўтказмоқда.



Расмий протокол тадбирларидан ташқари, давлат раҳбарлари ўртасида шахсий ишонч-ни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи форматлар амалиётга мустаҳкам кириб борди. 2023 йилдан буён Чимкент, Хива ва Олмаотада учта норасмий учрашув ўтказилди, бу етакчиларга энг нозик масалаларни ишончли муҳитда муҳокама қилиш имконини беради.

Шу билан бирга, амалий таърифлар формати, жумладан, 2025 йил апрель ойда Самарқанддаги учрашув ёки Ўзбекистон Президентининг ўша йилнинг май ва июнь ойларида Остонага таърифи каби кўп томонлама саммитларда иштирок этиш доирасида фаол ривожланмоқда. Бундай кўп босқичли коммуникациялар тизими икки қардош мамлакат ва халқнинг стратегик манфаатлари муштараклигини тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда сифат жиҳатдан янги мазмун касб этган парламентлараро ҳамкорлик сиёсий мулоқотнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. 2017 йилда икки мамлакат парламентлари юқори палаталари ўртасида ҳамда 2018 йилда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қозоғистон Парламент Мажлиси ўртасида имзоланган меморандумлар бунинг учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. 2022 йилда қонунчиликни уйғунлаштириш ва тажриба алмашиш учун самарали майдонга айланган Парламентлараро ҳамкорлик кенгашининг ташкил этилиши муҳим қадам бўлди.

Муносабатларнинг тизимли хусусияти қўшма институтларнинг ривожланган тармоғи фаолияти билан мустаҳкамланади. Уларнинг энг асосийси 1997 йилдан буён фаолият юритаётган Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиядир. 2019 йилдан бошлаб ушбу органнинг мақоми оширилди — энди унинг йўналишлари икки мамлакат Бош вазирлари раислигида ўтказилади. Утган йили 22-23 октябрь кунлари Хива шаҳрида бўлиб ўтган ХАКнинг 22-Йилги иқтисодий режаларни мувофиқлаштириш ва саноят кооперациясини чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлди.

Ҳукуматлар билан бир қаторда, Худудлараро ҳамкорлик форуми доирасида худудлар ўртасидаги тўғридан-тўғри горизонтал алоқалар фаол мустаҳкамланмоқда. 2024 йил октябрь ойда Самарқандда тўртинчи шундай форумнинг муваффақиятли уюштирилиши 2026 йилда Қозоғистонда ўтказилиши режалаштирилган бешинчи учрашувга тайёргарлик кўриш учун замин яратди. Ушбу механизмлар икки мамлакат худудлари даражасида амалий

масалаларни тезкор ҳал этиш имконини беради ва жойларда аниқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантиради.

Иқтисодий ҳамкорлик глобал бекарорлик шароитида ҳам барқарор ўсишни намойиш қилиб, икки томонлама муносабатларнинг локмотиви бўлиб қолмоқда. 2025 йил якуналарига кўра, мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4,9 млрд. долларга етди, бу ўтган йилдагига нисбатан 12 фоиз кўпдир. Ижобий динамика 2026 йилда ҳам сақланиб қолмоқда: биргина январь ойда ўзаро савдо ҳажми 31 фоиз ўсиб, 414 млн. долларни ташкил этди.

Ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори инвестициявий фаоллик кўлами билан боғлиқ. Бугунги кунда Ўзбекистонда Қозоғистон капитал иштирокидаги 1200 дан ортиқ корхоналар, Қозоғистонда эса ўзбек капитални иштирокидаги 4934 та юридик шахс фаолият юритмоқда. Ушбу жараёнларни сифатли қўллаб-қувватлаш учун 2022 йилда Бош вазирлар ўринбосарлари даражасида қўшма лойиҳаларни мониторинг қилиш ва импорт ўринчи босиш бўйича махсус Ҳукуматлараро ишчи гуруҳи тuzилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги 1994 йил 10 январдаги ҳукуматлараро битим асосида амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган кўпжа тадбирлар — кўрғазмалар, фестиваллар, гастроллер ва форумлар уюштирилди.

Бугунги кунда бу муносабатларга маънавий яқинлик ва кўп асрлик маданий анъаналар, Ўзбекистон ва Қозоғистонда истиқомат қилаётган қозоқ ва ўзбек диаспораси вакиллари алоҳида ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистонда 803 мингдан ортиқ этник қозоқлар, Қозоғистонда эса 624 мингдан ортиқ ўзбеклар истиқомат қилади. Бу "инсоний кўприк" воқеаларга бой алмашинувларнинг муҳим омилдир.

2023 — 2025 йилларда Самарқанд ва Бухорода Қозоғистон маданияти кунлари, Ўзбек киноси кунлари, шунингдек, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг Остона ва Олмаотадаги "Лази" спектакли билан кенг кўламли гастроллари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Санъат, илм-фан ва туризм соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш нафақат миллий маданиятларни бойитишда, балки икки қардош халқнинг ўзаро ҳурмати ва самимий дўстлигига асосланган узоқ муддатли шериклик учун ишончли асос яратди.

Бугунги кунда расмий Тошкент ва Остона-ни минтақавий хавфсизликнинг бўлилмаслигини чуқур аниқлаш ва бугунги куннинг долзарб муаммоларига ёндашувларнинг гоёт ўхшашлиги бирлаштириб туради. Бухорода бўлиб ўтадиган олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон норасмий саммити, шубҳасиз, глобал нотинчлик ҳужуми сураётган мураккаб даврда "соатларни тўғрилаш" ва икки томонлама муносабатларга таъминлашнинг барқарорлигини таъминлаш, қўшма лойиҳаларга янги суръат бағишлаш, Марказий Осиёни барқарорлик, фаровонлик ва узоқ муддатли яхши кўшнчилик маконига айлантириш имконини беради.

«Дунё» АА.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ БИРДАМЛИК

Унинг очилишида сўзга чиққанлар Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари илдизи муштарак, тақдир туташ, Буюк Ипак йўли чорраҳасида минг йиллар давомида шаклландан бой мерос соҳиблари эканини, икки давлат ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик иқтисодиёт ва сиёсатдан тортиб, экология, таълим ҳамда маданиятгача бўлган асосий йўналишларни қамраб олган ҳолда бундан буён ҳам изчил кенгайтириш боришини эътироф этди.

Таъкидланганидек, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Фаробий, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Бобур ва Абай каби улғу сиймолар мероси халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлиқнинг мустаҳкам асосидир. Аждодларимиз теран таваққури ва маҳорати саналган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Туркистон, Чимкент ва Олмаота каби шаҳарлар эса умумий тарих ва маданий мероснинг бетакрор намуналари сифатида жаҳон миқёсида эътироф этилиб келинади.

Анжуманда кейинги йилларда давлатларимиз ўртасида гуманитар соҳадаги алоқалар сезиларли



фаоллашгани ҳам тилга олинди. Хусусан, ўтган йилнинг ўзига Ўзбекистон маданияти ва ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарини тарғиб қилишга қаратилган 18 та маданий-гуманитар тадбир ўтказилган.

Қозоғистон вакиллари эса "Шарқ тароналари", "Мақом", Халқаро бахшичилик санъати, "Буюк Ипак йўли" халқаро фольклор ва Хунар-

мандчилик фестивалларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Зиёилар анжумани ҳақида гап борганда эса илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида тўхталмасликнинг илоҳи йўқ. Бугунги кунда Қозоғистондаги 116 та таълим муассасасида 8,5 минг ўзбекистонлик талаба таълим олаётгани, университетлар, Фанлар академиялари, музейлар ва ижо-

дий уюшмалар ўртасида самарали ҳамкорлик шаклланишини қайд этиш зарур.

Форум доирасида делегация раҳбарлари ва иштирокчилар университетда уюштирилган икки халқнинг буюк шоирлари, расомлари ҳамда олимларининг илмий ҳамда ижодий меросидан ташкил топган кўрғазма, шунингдек, инновациялар ва ахборот технологияси лойиҳалари билан танишди.

Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қозоғистон Республикаси Парламент Сенати ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича комиссиянинг 5-йилгилиши ҳамда ўзбек — қозоқ илмий-ижодий зиёлиларининг иккинчи форуми халқларимиз ўртасидаги гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш, янги қўшма ташаббус ва лойиҳаларни муҳокама қилиш, шунингдек, илм-фан, маданият ҳамда ижод аҳли ўртасида ўзаро фикр алмашиш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилади деб ишонамиз.

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ («Халқ сўзи»).

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ФАОЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Кўп томонлама форматларда парламентлараро ҳамкорлик, жумладан, худудлараро форумларда биргаликда иштирок этиш фаоллашгани алоҳида таъкидланиб, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи парламентлараро форуми бунинг ёрқин далили экани эътироф этилди.

Учрашувда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти доирасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жорий йилда Ўзбекистон ушбу плат-

формага раислик қилаётгани ҳамда навбатдаги йилгилиш Бухоро шаҳрида ўтказилиши ва унда II Осиё хотин-қизлари форуми ҳам бўлиб ўтиши режалаштирилгани таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон — Қозоғистон иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, парламентлараро мулоқотни кенгайтириш ва қўшма ташаббусларни амалга оширишдан манфаатдор эканлигини билдирди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Муҳокама мавзуси — айланма иқтисодиётни кенгайтириш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Европа Иттифоқининг "SWITCH-Asia" дастурига амалга ошириш бўйича делегацияси ҳамда Марказий Осиё минтақавий экологик маркази билан ҳамкорликда "Марказий Осиёда бизнес етакчилиги, инновациялар ва инвестициялар орқали айланма иқтисодиётни кенгайтириш" мавзусида учинчи минтақавий мулоқот ташкил этилди.

Ҳамкорлик

Унда Сенат аъзолари, Марказий Осиё давлатлари парламентлари вакиллари, вазирлик ва идоралар масъуллари, Европа Иттифоқи ҳамда Марказий Осиё минтақавий экологик маркази экспертлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва соҳа мутахассислари қатнашди.

Мулоқот доирасида Марказий Осиё минтақасида айланма иқтисодиёт таъминоти ва илмий даражада жорий этиш бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масала-

лари муҳокамага тортилди. Иштирокчилар айланма иқтисодиётни ривожлантиришда узоқ муддатли минтақавий экологик бошқарувни самарали йўлга қўйиш ҳамда тўғридан-тўғри алоқаларни мустаҳкамлашда парламентларнинг ролига алоҳида эътибор қаратди.

Шу билан бирга, қонунчилик ташаббусларини тақомиллаштириш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокамадан ўтказилди. Иштирокчилар бизнес, инвестиция ва инновациялар орқали иқтисодиётни транс-

формация қилиш, ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда чиқиндилар ҳажминини камайтиришга қаратилган сиёсий чоралар юзасидан ўзаро фикр алмашди.

Сенаторлар Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида айланма иқтисодиётни йўналиштиришда парламентлараро ва институционал ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда қонун чиқарувчи органларнинг маъсулятини қучайтириш муҳим эканини таъкидлади.

Тадбир якунида айланма иқтисодиётни амалга ошириш, инновацион ёндашувларни жорий этиш ва инвестицияларнинг жалб қилиш орқали минтақавий иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш зарурлиги айтилди.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмитасида

Маданий мерос соҳасида бошқарув тақомиллашади

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси мажлисида "Маданий мерос соҳасидаги давлат бошқаруви тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидландики, мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, маданий мерос соҳасида давлат бошқарувини янада самарали ташкил этишга қаратилган. Бунда Солиқ, Шаҳарсозлик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, шунингдек, "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Музейлар тўғрисида"ги ҳамда "Ер қаъри тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Муҳокама чоғида киритилаётган ўзгартиришлар, асосан, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида давлат органлари ваколатларини аниқ белгилашга қаратилган таъкидланди.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликдан Маданият вазирлигининг моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим ваколатлари чиқариб ташланмоқда.

Ушбу қонун маданий мерос соҳасидаги давлат бошқаруви тизими фаолиятининг самардорлигини оширишга, қонун ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш ва янада тақомиллаштиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШ — БОШ МАСАЛА

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қ. Бурҳонов ҳамда Солиқ кўмитаси раиси Ф. Пўлатов бошчилигидаги ишчи гуруҳ пойтахтнинг Янгиҳаёт туманида ўрганиш ишларини олиб борди.

Ўрганишлар давомида туман мутасаддилари билан бирга маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда профилактика ишлари самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинди.

Жумладан, "Янги турмуш" ва "Янги Чоштепа" маҳалла фуқаролар йиғинларида тасдиқланган "Йўл харитаси" доирасида белгиланган вазифаларнинг ижроси атрофлича ўрганилди.

Шу билан бирга, "маҳалла еттичилиги" билан очиқ мулоқот ўтказилиб, жойлардаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари муҳокамага тортилди. Мулоқотлар давомида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика ишларини манзилли ташкил этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ўрганишлар якуналари бўйича масъул ташкилот ва идоралар раҳбарларига тумандаги жинонген вазиятни барқарорлаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, "Йўл харитаси"да белгиланган устувор вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш ҳамда ўзаро ҳамкорликни қучайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

СОҒЛОМ ЗУРРИЁТ ВА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИККА ТАҲДИД

Оила — ҳаётнинг абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминловчи муқаддас урф-одатларимизни сақловчи, шу билан бирга, фарзанднинг келажакда қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир қўрсатадиган тарбия ўчоғи. Таъбир жоиз бўлса, бу ўчоқнинг олови асрлар давомида гурураб ёниши, шуълалари заминни ёритиб туриши учун уни бунёд этганлар ҳар томонлама етук бўлиши лозим.

Акс садо

Оила ҳақида гап борар экан, энг нозик, оғриқли масала — эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ масаласига тўхталмай бўлмайди. У нафақат бир худуд, балки глобал миқёсдаги жиддий муаммолардан саналади. Чунки унинг оқибатлари маълум бир даврларда эмас, бутун бир авлодлар силсиласида буй кўрсатиб туради. Мамлакатимизда ҳам унга қарши ишлар олиб борилаётган бўлса-да, рақамлар эрта никоҳ ҳолатлари йил сайин кўпаяётганини кўрсатади. Хусусан, 2021 йилда бу кўрсаткич 147 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилда 745 тага етгани афсусланарлидир.

Албатта, бундай статистика жиддий хавотир уйғотади, чунки 18 — 20 ёшгача никоҳ болалик эрта тугаши, давлатнинг ривожланишига тўсиқ бўладиган "қашшоқлик тузони"ни ҳосил қилса, қариндошлар томонидан оила қуриш муносабатлар бузилиши, биологик ўзгаришлар ва табиётга сарфланадиган катта харажатларга олиб келади. Орау-умидлари бир олам бўлган ёш келин-куёвлар кўпгина ўқишни



ташлаб кетади. Қолаверса, ҳаддан ташқари ёш турмуш қурган жуптларлар кўп ҳолларда нафақа ёки ота-она ёрдамига таяниб қолишади. Бу эса мамлакат бюджетига ижтимоий юкни оширади. Ва энг ёмонини, ажрашиш хавфи юқори бўлади.

Шу ўринда демографик хатарлар тўғрисида айтмасдан бўлмайди: эрта туғуруқ она саломатлигига жиддий таҳдиддир. Бунинг натижасида пайдо бўладиган ёш аёллар ўртасида ўлим ёки ногиронликнинг юқорилиги миллатнинг репродуктив ва меҳнат салоҳиятига салбий таъсир ўтказиши.

Бу каби тиббий жиҳатдан намоён бўлувчи асоратлар ортидан эрта никоҳ ФХДЭ органларида қайд этилмагани, янги туғилган чақалоққа туғилганлик гувоҳномасини олиш муаммолари, ёш онанинг бу даврда мактаб ёки билим юртида ўқишининг чекланиши каби қатор ижтимоий, ҳуқуқий муаммолар ҳам буй кўрсатади. Ёш организмга кат-

та юклама — оналик мажбурияти, унинг бунга жисмонан ва руҳан тайёр эмаслиги натижасида пайдо бўладиган руҳий заифлик ва бошқа ҳолатлар келиб чиқади.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг оқибати эса бундан-да аянчли. 2024 йилда нуқсон ва ирсий касалликлар билан туғилган 2 301 нафар чақалоқдан 175 нафари (7,6 фоизи) яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғилган. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 8,3 фоизи, 2022 йилда 9,1 фоизи, 2023 йилда 9,7 фоизни ташкил этган. 2024 йилда жами ирсий-генетик касалликлар билан 4 480 нафар бола назоратда турган.

Бундан соғлиқни сақлаш тизими ҳам яхшигина жабр кўради: бир томондан, оғир генетик касалликларга чалинган болаларнинг туғилиши умр бўйи даволланиш ва парваришни талаб қилса, иккинчи томондан, Давлат бюджети ва ижтимоий ҳимоя тизими учун улкан харажат ва уларнинг ота-оналари учун қучилмаган руҳий зарба ҳисобланади. Хусусан, ҳозирда спинал-мишак атрофияси ирсий касаллиги бўлиб ўтишда турган жами болалар учун бюджетдан 250 млрд. сўм сарфланади. Бунга бошқа турдаги хасталиклари даволашга давлат харажатларини қўшсак, инсонни ўйга толдирадиган кўрсаткичлар келиб чиқади.

Албатта, бу каби муаммоларни ҳал қилиш учун мавжуд қонунчи-

лик доирасида муайян ишлар амалга оширилади. Хусусан, никоҳ ёшига етмаган, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчи ўғил-қизларни унаштириш, эрта оила қуриш ва диний расм-русумларга биноан никоҳ тузиш маросимини ўтказиш ҳолатлари каби ҳуқуқбузарлиқни содир этганлик учун 2021 йилда — 147, 2022 йилда — 296, 2023 йилда — 549, 2024 йилда — 1245, 2025 йилнинг олти ойи давомида эса 1107 нафар шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси бўйича жавобгарликка тортилган.

Айни масаланинг долзарблигини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда эрта никоҳ ва қариндошлар орасида оила қуриш билан боғлиқ қатор муаммоларга шу йил 3 мартда қабул қилинган "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини қучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъзия ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча таъзия-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги Президент Фармони орқали амалий ечим тақлиф қилинмоқда.

Ҳужжатда ёшларнинг ўз ҳаёт йўлини онгли равишда белгилашга қўмаклашиш, никоҳ шартномаси тузилишини рағбатлантириш мақсадида 2027 йилдан бошлаб ҳар иккала тараф мақомида 21 ёшга тўлганда биринчи маротаба никоҳ тузган ёш оилалар учун давлат томонидан қўшимча имтиёз ва

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси.

12 апрель — Бутунжаҳон авиация ва космонавтика куни



КОИНОТ ТАДҚИҚИДА ЯНГИ ДАВР

Коинотни тадқиқ этиш — инсониятнинг умумий манфаатларига хизмат қилувчи илмий-техник жараён. Бугун космик технологиялар фан, иқтисодиёт ва инновацияларнинг муҳим драйверига айланиб, давлатлар тараққиётида стратегик аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ортимизда астрономия ва фалакийёт илмининг чуқур илмий аъёнлари мавжуд. Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Форобий, Фарғоний каби буюк алломаларимиз осмон жисмларининг ҳаракати ва коинот тўзилиши ҳақида фундаментал тадқиқотлар олиб борган. Уларнинг илмий мероси бугун ҳам дунё олимларини янги кашфиётлар сари илҳомлантириб келмоқда.

илм-фан соҳаларининг ривожланишига ҳам катта туртки берди.

Космик технологиялар замонавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Масалан, ерни масофадан туриб зондаш, сунъий йўлдош навигацияси, глобал алоқа тизимлари, рақамли телевидение, интернет тармоқлари, онлайн маълумот алмашиш каби имкониятлар космик тадқиқотлар натижасида пайдо бўлди. Бугунги кунда транспорт логистикаси, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, геология, ер муносабатлари, иқлим ўзгаришларини мониторинг қилиш, табиий ресурсларни бошқариш каби соҳаларда ҳам космик маълумотлардан кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистоннинг космик тадқиқотлар тарихи билан ҳам бевосита боғлиқлиги мавжуд. Жумладан, "Бойкўнғир" космодромини қуриш ишларида юртимиздан қўллаб-қувватлаётган давлат раҳбарлари ва бошқа кадрлар ушбу стратегик объектни барпо этишга муносиб ҳисса қўшган.

Ҳазирги тадқиқ қилишда Ўзбекистонда туғилган космонавтрларнинг ҳам ўрни алоҳида. Хусусан, собиқ иттифоқ Қаҳрамони, авиация генерал-майори Владимир Жониевнинг беш маротаба космик парвозни амалга оширган энг тажрибали космонавтрлардан бири ҳисобланади. У коинотда жами 145 кундан ортиқ вақтни ўтказган, 3170-сонли кичик сайёрага номи берилган. Пойтахтимиздаги "Космонавтрлар" метро бекати ёнида бисти ўрнатилган.

Миллий космик юксалиш

Мамлакатимизда космик технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 30 август куни қабул қилинган фармонида мувофиқ, Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги — "Ўзбеккосмос" агентлиги ташкил этилди.

Бугунги кунда агентлик ерни масофадан зондаш маълумотлари асосида қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари бошқаруви, ер муносабатлари, ўрмон хўжалиги, экология ва геология соҳаларида космик мониторинг ишларини амалга оширмоқда. Бу маълумотлар давлат органларида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик муаммоларни барвақт аниқлаш ва иқтисодий қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этапти.

Шу билан бирга, "Ўзбеккосмос" агентлиги дунёдаги етакчи космик агентликлар ва компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириб бормоқда. Улар орасида "Airbus" (Франция), "Maxar" (АҚШ), "SpaceX" (АҚШ), "OneWeb" (Буюк Британия), "Synspec" (Япония) ва бошқа етакчи космик компаниялар бор. Шунингдек, Озарбайжон, Туркия, Бирлашган Араб Амирлик-

лари, Қозғоғистон, Франция, АҚШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея каби давлатларнинг космик агентликлари билан ҳам икки томонлама шериклик йўлга қўйилган.

Бугунги кунда космик индустрия жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган соҳаларидан бирига айланган. Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги вақтда глобал космик бозор ҳажми 500 млрд. доллардан ошган. Тахлилчилар прогнозлари бўйича бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 1 трлн. доллarga, 2035 йилда эса 2 трлн. доллarga етиши мумкин.

Замонавий рақамли технологиялар, сунъий интеллект, навигация тизимлари, "ақли шаҳар" концепциялари ва роботлаштирилган тизимлар ривожланиб бораётган, космик маълумотлар ва хизматларга талаб ҳам ортиб бормоқда.

Агентлик космик соҳада кадрлар тайёрлаш борасида ҳам қўллаб-қувватлаётган бўлиб, "ақли шаҳар" концепциялари амалга ошириб келмоқда. Хусусан, ёшлар ўртасида катта қизиқиш билан қабул қилинган "CanSat", "Esh muhandis" танловлари, "Act In Space" ва "NASA Space Apps Challenge" халқаро хакатонлар ҳамда робототехника, астрономия ва кичик сунъий йўлдошларни яратишга ихтисослаштирилган қисқа мuddатли "Cosmic Camp" ёзги космик оромгоҳи дастурлари йўлга қўйилди.

Коинотни тадқиқ этиш ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш инсоният тараққиёти учун беқиёс аҳамиятга эга. Космонавтика нафақат илмий билимларни бойитади, балки иқтисодий ривожланиш, технологик инновациялар ва глобал муаммоларни ҳал этишда ҳам муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Янги Ўзбекистонда мазкур соҳани ривожлантиришга берилаётган эътибор, шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётига, жаҳондаги нуфузи юксалишига, ҳаётимиз фаровонлигига ҳисса қўшади.

Акмал НАЗАРОВ,
«Ўзбеккосмос» агентлиги директорининг маслаҳатчиси.



Шахмат: ЖАВОҲИР МАҒЛУБИЯТСИЗ КЕЛМОҚДА

Кипрнинг Пея шаҳарасида бўлиб ўтаётган "Давоғарлар турнири"нинг 2-даври ўйинлари мurosасиз бахслар билан давом этмоқда.



Жаҳон кубогининг амалдаги ғолиби Жавоҳир Синдоров 8-турда россиялик Андрей Есипенкога қарши ўйин ўтказди. Иккинчи давранинг илк баҳсида шахматчимиз А. Есипенко билан дуранг ўйнади. Ж. Синдоров 9-тур доирасида германиялик М. Блюбаумга қарши қона доларда мurosа йўлини тан-

лади ва навбатдаги дурангига эришди. 10-турда эса ҳиндистонлик Р. Прагнанандхага қарши дона суриб, ғалаба қозонди. Шу тариқа унинг очколари сони 10 та турдан сўнг 8 очкога етди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур турнир ғолиби амалдаги жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Гукеш Доммаражуга қарши шахмат тожи учун курашади.

Спорт курашлари: АЛИШЕР — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Киргиз Республикаси пойтахтида давом этаётган спорт курашлари бўйича Осиё чемпионати ўзининг қизгин палласига кирди. Мусобақада юнон-рум кураши бўйича беллашувлар якунланди, ғолиб ҳамда совриндорлар номи аниқ бўлди.



Ўзбекистон терма жамоаси ушбу беллашувларда 1 тадан олтин ва 3 та бронза медалларига эга чиқди. Хусусан, эркаклар ўртасида 60 килограммгача вазн тоифасида қатнашган Аlisher Алиев финалда ҚХДР вакили Се Унг Рини мағлуб этиб, олтин медалини қўлга киритди ва Осиё чемпионати билан ҳам бирга, бронза медали учун баҳсда 72 килограммгача вазн тоифасида Шаҳзод Қўчқоров япониялик Таиши Нарикунидан устун келди.

Қизлар ўртасида кечган курашда Актенге Кеунимжаева (-50 кг.) ва Улмекен Эсенбаева (-59 кг.) бронза медали йўлида ўз рақиблирини енгиб, қитъа совриндори бўлишди.

Бокс: ҚИТЪА БИРИНЧИЛИГИДА 11 ТА МЕДАЛЬ

Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида ўтказилган бокс бўйича катталар ўртасидаги Осиё чемпионати ўз якунига етди.



Аёллар финал беллашувларида иштирок этган вакилларимиз — А. Зокирова (-75 кг.) ва Р. Париева (-80 кг.) имкониятни бой бериб, қумуш медаль билан қийоғланди. Бунгача Н. Уктамова (-57 кг.), О. Тоирова (-70 кг.) ҳамда О. Сотимбоева бронза медали билан тақдирланган эди. Эркаклар ўртасидаги финал учрашувларида А. Мадаминов (-65 кг.), Ф. Эркинбоев (-80 кг.) ва Ҳ. Мамасалиев (-90 кг.) ғалаба қозониб, қитъа чемпиони бўлишди. Ж. Абдурахимов (-75 кг.) ҳамда Ж. Йўлдошев (-85 кг.) халқ қилувчи баҳсда мағлуб бўлиб, қумуш медаль билан тақдирланди. Абдурахмон Маҳмуджонов (-60 кг.) эса Осиё чемпионатини 3-ўрин билан тугатди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси Мўғулистондаги қитъа биринчилигини умумий ҳисобда 11 та медаль — 3 та олтин, 4 та қумуш ва 4 та бронза медали билан якунлади.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Xavfli ishlab chiqarish obyektlarida avariylarning oldini olish va minimallashtirish bo'yicha SANOAT XAVFSIZLIGI davlat muassasasi o'z xizmatlarini taqdim etadi.

Sanoat, radiatsiya va yadroviy xavfsizlik bo'yicha ekspertlik tashkiloti

sanoat xavfsizligi sohasidagi xizmatlarni ko'rsatadi va quyidagi faoliyatlarni amalga oshiradi:

- sanoat xavfsizligi loyihaviy hujjatlarining ekspertizasi;
- sanoat xavfsizligi deklaratsiyalarini ishlab chiqish;
- sanoat xavfsizligi deklaratsiyalarining ekspertizasi;
- xavfli ishlab chiqarish obyektlarida ishlatiladigan texnik vositalarni ekspertizadan o'tkazish;
- xavfli ishlab chiqarish obyektlarini aniqlash.

Sanoat xavfsizligi davlat muassasasi tomonidan bajariladigan baholash ishlari:

- saqlovchi klapan;
- nafas oluvchi klapan;
- bosim ostidagi sig'imlar;
- bosim ostidagi shlanglar.

Sinov turlari:

- gidravlik bosim (suv) bilan;
- pnevmatik bosim (havo) bilan;
- putur yetkazmasdan tekshirish;
- yerlatilganlik sinovlari.

Aloqa raqamlari:

- Toshkent shahri: +99871 209-00-67;
- Farg'ona viloyati: +99897 441-14-48;
- Samarqand viloyati: +99899 776-85-95;
- Xorazm viloyati: +99833 083-10-00.

TELERADIOESHITTIRISHLAR SOHASIDA RADIOCHASTOTALARNI TAQSIMLASH VA YAKKA TARTIBDAGI LITSENZIYALAR BERISH BO'YICHA TANLOV E'LN QILINADI

Tanlovni o'tkazuvchi: Axborot faoliyati va ma'lumotlar uzatishni takomillashtirish va samaradorligini oshirish bo'yicha idoralararo muvofiqlashtirish komissiyasi.

Tanlov o'tkaziladigan sana: 2026-yil 11-iyun.

Buyurtmanomalar qabul qilishni boshlash: 2026-yil 13-aprel, soat 9⁰⁰ dan.

Buyurtmanomalar qabul qilishni tugatish: 2026-yil 12-may, soat 17⁰⁰ gacha.

Tanlov o'tkazish joyi: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi binosi.

Tanlov shartlari: tanlovda O'zbekiston Respublikasi hududida qonun hujjatlarida belgilangan tartibda ro'yxatga

olingan, teleradioeshittirishlar va ommaviy axborot vositalari sohasidagi qonun hujjatlariga talablariga javob beradigan, buyurtmanoma va ilova qilinadigan hujjatlarini belgilangan muddatda taqdim etgan yuridik shaxslar ishtirok etishi mumkin.

Ma'lumot uchun telefonlar: komissiya ishchi guruhi 71-239-84-57; 71-239-81-89

Buyurtmanomalarini taqdim etish: buyurtmanoma va ilova qilinadigan hujjatlar elektron shaklda (*.pdf formatda, maks. 10 MB) mkk@gov.uz yoki mkk@exat.uz elektron pochtaga yuboriladi.

Batafsil ma'lumotlar bilan "www.digital.uz" sayti orqali tanishishingiz mumkin.

РЕКЛАМА

Lot	Radiochastota va standart	Uzatkich quvvati	Tarqatish usuli	Tarqatish hududi	REV o'rnatilgan manzil
RAQAMLI TELEESHITTIRISHLAR MULTIPLEKSIDA TELEKANALLARNI TARQATISH (DVB-T2)					
1*	47 TVK/678-685 MHz	5 kW	efir orqali ochiq rejimda	Xorazm viloyati	Urganch RTS
2*	41 TVK/630-638 MHz	1 kW	efir orqali ochiq rejimda	Qashqadaryo viloyati	Qarshi RTS
3*	47 TVK/678-686 MHz	2 kW	efir orqali ochiq rejimda	Qashqadaryo viloyati	Odamtosh RTS
4*	21-48TVK/470-694 MHz	0,3-5 kW	efir orqali ochiq rejimda	Respublika bo'yicha	56 ta yuqori quvvatli va 88 ta kam quvvatli uzatkichlarda
FM DIAPAZONDA RADIOKANALLARNI TARQATISH					
5.	90,8 MHz	1 kW	efir orqali ochiq rejimda	Toshkent shahri va atrof tumanlari	Toshkent RTS-1
6.	101,0 MHz	1 kW	efir orqali ochiq rejimda	Toshkent shahri va atrof tumanlari	Toshkent RTS-1
7.	101,0 MHz	1 kW	efir orqali ochiq rejimda	Qo'qon shahri va atrof tumanlari	Qo'qon RTS
8.	101,0 MHz	0,5 kW	efir orqali ochiq rejimda	Samarqand shahri	Cho'pon-ota RTS
9.	101,0 MHz	1 kW	efir orqali ochiq rejimda	Buxoro shahri va atrof tumanlari	Buxoro RTS
10.	101,0 MHz	0,5 kW	efir orqali ochiq rejimda	Qarshi shahri	Qarshi RTS
11.	106,0 MHz	0,3 kW	efir orqali ochiq rejimda	Termez shahri va atrof tumanlari	Uchqizil RTS
12.	101,0 MHz	0,3 kW	efir orqali ochiq rejimda	Navoiy shahri	Navoiy RRS
13.	101,0 MHz	1 kW	efir orqali ochiq rejimda	Urganch shahri va atrof tumanlari	Urganch RTS
14.	102,0 MHz	2 kW	efir orqali ochiq rejimda	Toshkent shahri va atrof tumanlari	Toshkent RTS-1
15.	103,5 MHz	1 kW	efir orqali ochiq rejimda	Toshkent shahri va atrof tumanlari	Toshkent RTS
16.	104,5 MHz	0,1 kW	efir orqali ochiq rejimda	Samarqand shahri	Cho'pon-ota RTS
17.	107,2 MHz	1 kW	efir orqali ochiq rejimda	Toshkent shahri va atrof tumanlari	Toshkent RTS
18.	107,5 MHz	1 kW	efir orqali ochiq rejimda	Urganch shahri va atrof tumanlari	Urganch RTS

* tanlovda g'olib chiqqan teleeshittirish subyekting telekanali "RADIOALOQA, RADIOESHITTIRISH VA TELEVIDENIYE MARKAZI" mas'uliyati cheklangan jamiyatining raqamli teleeshittirishlar multipleksi tarkibiga shartnoma asosida kiritiladi.

Эндиликда нуфузли хорижий олий таълим ташкилотларида илмий даража олган мутахассисларга ипотека кредити бериш йўлга қўйилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оmmaviy коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўлашлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилмайди.

Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси мас'ул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.00 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши